

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ
ҲАМДА ДОЛЗАРБ УСУЛЛАРИ

мавзусидаги республика миқёсидаги онлайн
илмий-амалий анжумани материаллари

Т Ў П Л А М И



bounded with its thought progress. These alternations and progress can be seen in language as well. However, as a conversational means of humankind living in different areas English language shows this development more. It is clear that different nationalities members' personal development include different stages according to their residential area, national and cultural history, in other words, this procedure is apparent in various way for different nation's consciousness.

References

1. Brown L. Oxford English Dictionary; Clarendon Press: Oxford, UK, 1993. – P.9
2. Muldoon M.; King, N. Spirituality, health care, and bioethics. – J. Relig. Health, 1995, – P 34.

ТАРЖИМАНИНГ МАҲСУЛЛИ УСУЛЛАРИ

*О.Файзуллоев БухДУ (PhD).
А.Мухаммадова БухДУ талабаси.*

Ҳар бир халқнинг миллий тилида яратилган фольклор асарларида унинг менталитетини, маданий турмуш тарзини ифодаловчи сўзлар, тилда мулоқот қилиш воситаларидан бири бўлган лингвистик бирликлар – лингвокультуремалар кенг ўрин эгаллаши табиий. Фақатгина борлиқдаги ашёвий маданият натижаси бўлган, муайян халқнинг тарихи ва маданиятини ифодаловчи бундай сўзларни таржима қилишга ҳаммавақт муяссар бўлиш қийин.¹ Улар муайян миллат тил тафаккуригагина хос сўзлар бўлганлиги сабабли таржимада муаммо туғдиради. Таржимачиликда лингвокультуремаларни бошқа тилга ўгириш – мураккаб жараён. Лингвокультуремалар маълум бир халқ ёки миллатгагина тегишли бўлиб, шу халқ турмуш тарзи, ижтимоий, маиший-маданий ҳаёти, маънавий, бадий дунёқарашининг ўзига хослигини намоён этади. Қолаверса, уларнинг эквивалент шакллари бошқа халқлар лексиконида кўпинча учрамайди. Лекин баъзан муқобили топилиши мумкин. Шундай ҳолатда таржима матнида унинг муқобилини кўрсатса бўлади. Фақатгина рецептор учун қўлланилган муқобил жумла тушунарсиз бўлиб, прагматик номувофиқликни келтириб чиқармаслиги керак.

Аслият тилида муайян миллий-маданий, маҳаллий нарса ва предмет ёки тушунчаларнинг номини ифодалайдиган лексик бирликлар, жумладан, лингвокультуремалар кўпинча ўз кўринишида таржима қилинаётган тилга кириб боради.² Масалан, “Ҳунарманд хотин” (“The Craftswoman”) эртагидаги “Ярим вайрона уйга кириб, уй ўртасида ётган эски, йиртиқ кўрпа, тарашадай қотган ёстиқ, лаби

учган қозон, қоп-қора қумғон, қадоқланган косани кўрибди. Қозоннинг ичида озгина атала ҳам бор экан” деган матн парчаси инглизчада “Then she entered a dilapidated hut and saw an old torn up mattress in the middle of the room, some broken plates and a pot with a couple of spoons are broth in it”.³ тарзида ифода этилган. Бунда миллий хос сўз – қумғон лингвокултуремаси матндан тушириб қолдирилган. Кўрпа – матрас, коса – тарелка, атала – бульон, шўрва маъноларини ифодаловчи “broth” сўзлари орқали нотўғри берилган. Қошиқ сўзи аслият матнида бўлмаса-да, таржима матнида қўшимча ҳолда ишлатилган.

Бунда лингвокултуремалар таржимасида жуда мос ва қулай бўлган анъанавий транслитерацион усулдан фойдаланмай, муқобилини (эквивалентини) топишга ҳаракат қилиш, сўзларни қўшиб таржима қилиш, сўзларни тушириб қолдириш, шартли муқояса, маънони яқинлаштириш каби усуллар билан ишлаш таржимада ўзини оқламаслиги яна бир бор ўз исботини намоён этган.

Фольклор асарларида лингвокултуремаларнинг қуйидаги типларини учратиш мумкин. Худди шулар таржимаси ўгириш жараёнида ўзига хос мураккабликларни келтириб чиқаради. Жумладан:

1. Фольклор асарларида учрайдиган географик жой номлари таржима қилинмайди. Негаки, ҳар бир халқ яшайдиган жой, маълум бир мамлакатга тегишли ҳудуд ўзига хос тарзда шу халқнинг ёки мамлакатнинг урф-одатлари, эътиқодий қарашлари ва маданий яшаш тарзи асосида аталади. Масалан, юртимиздаги машҳур тарихий обидалар, жойлар ҳақида қатор топонимик ривоятлар яратилган бўлиб, уларнинг айримлари инглизчага ҳам ўгирилган. “Minaret Kalon” (“Минораи Калон”), “How Samarkand Got Its Name?” (“Самарқанд ўз номини қандай олган?”), “BibiKhonim” (“Бибихоним”), “How Karshi Got Its Name?” (“Қарши ўз номини қандай олган?”), “The Village of Eshimjon” (“Эшимжон қишлоғи ҳақида”), “Andijon” (“Андижон”), “The Legend of Kalta Minaret” (“Калта Минор ҳақида афсона”), “How Khiva Got Its Name?” (“Хива ўз номини қандай олган?”) каби ривоятлар шулар жумласидандир.⁴ Кўриняптики, ҳақиқатдан ҳам, уларда жой номлари таржима қилинмасдан транслитерация усулида берилаётгани фикримиз далилидир. Уларда муайян тарихий обида ёки жуғрофий атаманинг пайдо бўлиши аниқ фактлар ва этнофольклор деталлари билан тушунтирилган, жой номи (топоним)нинг вужудга келиш сабаби изоҳлаб берилган.

Look at the winding Zarafshan,
Look at the river Muliyon,
Look at the river rolling on,
So different from all the others⁵.

Ушбу халқ қўшиғининг инглизча таржима матнида Зарафшон –

Zarafshan, Mўлиён – Muliyon гидронимлари номи таржима қилинмай, таржима тилининг товушларига мослаб, уларнинг ҳарфи билан транслитерация усулидан фойдаланиб берилган.

2. Фольклор асарларида учрайдиган кишилар номи, яъни асар қаҳрамонларининг исми ҳамда лақаблари ҳам таржима қилинмайди. Сабаби, ҳар бир халқ ёки миллат вакилларининг исми-шарифи ёки лақаби ҳам унинг ўзигагина хос урф-одат, маданий турмуш тарзи, ишонч-эътиқодлари асосида белгиланади. Масалан, ўзбек халқ эртакларида кенг тарқалган Кенжа ботир номи инглизча таржимада ҳам айнан сақланишини қуйидаги парча тасдиқлай олади: “Then **Kenja-batyr**’s turn came: he safely girded himself with the lasso, told the brothers to hold the rope as firmly as they could and disappeared in the cave.”⁶

Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг, жумладан, шу силсилага мансуб эртақ ва латифа жанрларининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши масаласини махсус ўрганган Ҳ.Юсуповнинг фикрича, Кенжа ботир образининг генезиси ўзбек халқида Кенжа ўғилнинг алоҳида ҳуқуқ, ҳурмат ва эътиборга лойиқлиги, унинг меросхўр, уруғ анъанасини давом эттирувчигина эмас, балки оила, уруғнинг олови ёки чироғининг ёқувчиси, анъаналарнинг давом эттирувчиси бўлганлиги билан ҳам боғлиқ ҳолда шу заминда юзага келган халқ удумларига ҳам бориб тақалади.⁷

3. Фольклор асарлари қаҳрамонлари шуғулланадиган касб-корлар номи, одатда, таржима қилинмайди. Чунки маълум бир халқ вакиллари шуғулланадиган касб-кор, ҳунар турларининг номи, асосан, ўша халқнинг ёки мамлакатнинг урф-одатлари ва маданий яшаш тарзи асосида юзага келади. Шуни билган “Тўғрибой ва Эгрибой” эртаги таржимони М.Мухамедова зоономик қаҳрамонлардан бири – қашқирнинг касби ҳақида сўз юритилар экан, унинг сурнайчи эканини лингвокультурема орқали таъкидлайди. Бу миллий-маданий сўз эса таржимада транслитерация усулида “the jackal a surnai player (surnai is a kind of clarinet)” кўринишида берилгани кўзга ташланади.⁸

4. Халқларнинг урф-одат, расм-русум, ирим-сирим, удумлари номи яна бир таржима қилинмайдиган бирликлардандир. Бундай лексик бирликлар “этнографизмлар” деб юритилади.⁹ Таржимон таржима матнида хос сўзлар сифатида учрайдиган урф-одатларнинг нафақат номини, балки улар ҳақидаги зарур маълумотларни ҳам билиши даркор. Маълумки, ҳар бир халқнинг урф-одат ва маросимлари бир-бирига баъзан ўхшаса-да, кўп ҳолларда жиддий фарқланиб туради. Бир халқ урф-одати иккинчи бир халқ урф-одатида такрорланмаслиги ёхуд айнан ўзидек акс этмаслиги мумкин. Айниқса, Шарқ ва Ғарб халқларининг удумларида бу фарқ ёрқин кузатилади. Масалан, ўзбеклар удумига хос “*Бешик тўйи*” – инглизчада “*The cradle*

celebration” дея трансформацион, “Фотиҳа тўйи” эса “*Fatiha toy*” кўринишида ҳарфма-ҳарф (транслитерация усулида) берилганига гувоҳ бўлиш мумкин.⁵

5. Фольклор асарлари авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб яшаб келаётган қадимий миллий қадриятлардан бўлгани учун уларни тушуниш, бошқа халқ вакилига тушунтириш осон эмас. Ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ фольклор асарларида архаик ва тарихий сўзлар кўп учраши табиий. Бундай лексик бирликларни таржимада қайта яратиш ҳамда хорижлик ўқувчига етарли даражада тушунтириш эса таржимон учун анча қийинчилик туғдиради. Зотан, ўтмишга алоқадор маданият, дунёқараш, урф-одатлар ва меҳнат жараёни ифодаси бевосита лингвокультуремалар орқали акс эттирилган бўлади. Демак, уларни таржима қилиш учун таржимон бу ҳақда етарли билим ва тушунчаларга эга бўлиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Тухтаходжаева Н.А. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланишини (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – Б.11.
- 2.Влахов С., Флорин С. Непереваемое в переводе. Издание третье. Исправленное. – М.: Валент, 2006. – С.381.
- 3.Россельс В.М. О передаче национальной формы художественном переводе // Дружба народов. – №5. – Москва, 1953. – С.23; Ҳамроев Ҳ. Миллий хос сўзлар-реалиялар ва бадиий таржима // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент, 1982. – Б.158.
- 4.Tales from the Silk Road. Stories in English and Uzbek. UNESCO, 1999. – P.27.
- 5.Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – P.180.
- 6.Uzbek Folk Tales. – Bishkek, 1997. – P.49.
- 7.Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011. – 149 б.
- 8Uzbek Folk Tales. Soros Foundation. – Kyrgyzstan, 1997. – P.25.
- 9.Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 252 б.

STYLISTIC DIFFICULTIES OF TRANSLATION IN MODERN ENGLISH

Ҳайдаров А.А., Муртазоев О.Н. Тил бирликларида коннотатив маънонинг ифодаланиши.....	39
Ҳайдаров А.А. Муртазоев О.Н. Интонация, пауза ва урғу билан боғлиқ коннотатив маъноларнинг ифодаланиши.....	43
Файзуллаев М.Б., Мухаммадова А.О. Поэтика стихов а.наваи в переводах.....	47
Saparova K.O. Phonostylistic properties of terminological vocabulary and problems of its study.....	50
Sharipov F.I. Social influences on language variation.....	53
Akhmedova M.B. The development of "spirituality" terms.....	56
Файзуллоев О.М., Мухаммадова А.О. таржиманинг маҳсулли усуллари.....	58
Komilova G. Stylistic difficulties of translation in modern English.....	61
Мухтарова Ш.Ф. Заимствования археологической терминологии.....	64
Носиров О.Т., Ниёзова М.Ш. Репрезентация концептосферы «времена года» в узбекской лингвокультуре.....	67
Усмонова Ш.А. Медиалингвистика оав тилига оид тадқиқотларни ўрганади.....	71
Каримова Д.Ҳ. Бадиий - тасвирий воситалар ва таржима.....	74
Рўзиев М.К. Генрих теодор бёлльнинг «масхарабознинг карашлари» романида асосий гоЯ.....	76
Tursunov M.M. A glimpse on conceptual metaphors.....	77
Шарипов С.С. Лексикография ва луғатчиликнинг янгиланиш тенденцияси.....	82
Кулдашова Н.Б. Термин ва категория тушунчалари изоҳи тўғрисида.....	91
Khayrulla S. Oral corpora in the field of linguistics.....	94
Собирова З. Туризм атамаларининг инглиз тилидаги лексик-семантик тадқиқи.....	98
Джумаева Н. Фонетик стилистик воситаларнинг macmillan english dictionary for advanced learners луғатида берилиши.....	101
Шукурова М.А. Развитие лексико-понятийного поля этики хvi-xviii веков.....	105
Ҳожиева Г.С. Санъат терминларининг миллий-маданий тадқиқи.....	109